

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ЮЛДАШЕВА НАСИБА АЛИШЕРОВНА

**ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАРДА ГЕРПЕТИК СТОМАТИТНИНГ ЎЗИГА
ХОСЛИГИ: ТАШХИСЛАШ, ДАВОЛАШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ**

**14.00.25 - Клиник лаборатор ва функционал диагностика
14.00.21 - Стоматология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Юлдашева Насиба Алишеровна

Ҳомиладор аёлларда герпетик стоматитнинг

ўзига хослиги: таъхислаш, даволаш ва олдини олиш 3

Юлдашева Насиба Алишеровна

Особенности стоматологического статуса

беременных с герпетическим стоматитом:

диагностика лечение и профилактика 31

Yuldasheva Nasiba Alisherovna

Features of the dental status of pregnant

women with herpetic stomatitis:

diagnosis, treatment and prevention 63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 67

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ЮЛДАШЕВА НАСИБА АЛИШЕРОВНА

**ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАРДА ГЕРПЕТИК СТОМАТИТНИНГ ЎЗИГА
ХОСЛИГИ: ТАШХИСЛАШ, ДАВОЛАШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ**

**14.00.25 - Клиник лаборатор ва функционал диагностика
14.00.21 - Стоматология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.2.DSc/Tib809 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Хаджиметов Абдугафур Аҳадович
биология фанлари доктори, профессор

Усманова Шоира Равшанбековна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Ишигов Ибрагим Агаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Қозоғистон Республикаси)

Усманова Дурдона Джурабоевна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Саидов Акбар Аҳадович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Тиббиёт ходимларининг малакасини
ривожлантириш маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2024 йил « ____ » _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./Факс: (+99878) 150-78-25); e-mail: tta2005@mail.ru.

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./Факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2024 йил « ____ » _____ да тарқатилди.
(2024 йил « ____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Г.Гадаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А.Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.Н.Арипов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Кириш (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда ўтказилган эпидемиологик тадқиқотларда қайталанувчи герпетик стоматитнинг (ҚГС) аҳоли орасида учраш даражаси 35,0 дан 60,0% гача эканлиги келтирилган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, қайталанувчи герпетик стоматитнинг сабаблари микроиқлимдаги ўзгаришлар, овқат ҳазм қилиш тизимининг бузилиши, шунингдек, касалликнинг ривожланишига олиб келадиган бошқа омиллар ҳисобланади. Лекин ҳозирги кунда ҳам уни келтириб чиқарувчи сабаблар тўлиқ ўрганилмаган. Бу эса ҚГС ни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш самарадорлигини баҳолашда бирмунча қийинчиликлар туғдиради¹.

Жаҳонда ҳозирги кунда жинсий йўл билан юқадиган инфекциялар орасида герпес вируси тарқалиши кундан кунга ошиб бормоқда. Репродуктив ёшдаги аёллар орасида ушбу вирус кенг тарқалган. Ҳомиладорлик даврида она ва ҳомила организмлари орасида мураккаб жараёнлар юзага келади ҳамда бунда йўлдош ягона функционал тизим шаклланишида муҳим ўрин тутаяди. Ҳомиладорликнинг биринчи уч ойлиги охирига келиб йўлдош ўзидан оқсил ва стероид табиатли қатор гормонларни ишлаб чиқара бошлайди. Ушбу даврда уларнинг ажралишининг ошиши она организмида ҳам ўзгаришларга сабаб бўлиб, оғиз бўшлиғи ва пародонтда герпетик стоматит пайдо бўлишига шароит яратилади.

Мамлакатимизда аҳолига сифатли ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатиш ва амалий тиббиётга юқори технологик услубларни жорий қилиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «...Республикаимизда тиббий ёрдам самарадорлиги, сифати ва қулайлигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ҳамда даволашнинг юқори технологик усуллари жорий этиш, патронаж хизматларини яратиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларнинг олдини олиш...»² каби вазифалар ҳал этилмоқда. Сўнгги йилларда ҳомиладорларга юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш борасида қатор самарали ишлар олиб борилмоқда. Шунга асосан ҳомиладор аёлларда герпетик стоматитнинг ўзига хослигини ўрганиш, ташхислаш, даволаш ва касалликни олдини олиш борасида янада кенгроқ изланишлар олиб бориш лозим.

Ушбу тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сонли «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга

¹ Guallar IB, Soriano YJ, Lozano AC. Treatment of recurrent aphthous stomatitis. A literature review. 2014.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» Фармони

оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³ Ҳомиладор аёлларда герпетик стоматит касаллигини даволаш ва олдини олиш борасида ютуқларни халқаро миқёсда таҳлил қилиш учун дунёнинг таниқли олимларининг нуфузли журналларда чоп этилган илмий изланишлари ўрганилди. Қуйидаги журналлардан тадқиқот мавзуси бўйича тадқиқот натижалари таҳлил қилинди: European journal of pediatric dentistry, American journal of dentistry, J Dent Child (АҚШ), Caries Res, Int Dent J, Journal Canada Dental Association, Community Dental Health (Швеция), British Dental Journal, BMC Oral Health (Англия), American Journal of Orthodontics and Dentofacial Orthopedist, International Journal Of Paediatric Dentistry, The Journal of evidence-based dental practice, Россия Федерацияси, Белорус Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва бошқалар.

Дунёда ҳомиладор аёлларда герпетик стоматит касалликларини даволаш, олдини олиш ва башоратлаш йўналишида олинган маълумотларга асосланиб, бир қатор илмий натижаларга эришилган. Турли даражада мураккабликдаги комплексларни бирлаштириш дастури ишлаб чиқилган ва гуруҳ даражасида, замонавий даволаш ҳамда профилактика чора тадбирларидан фойдаланган ҳолда, стоматологик таълим, назорат остида оғиз гигиенаси ва жарроҳлик усулида қайталанувчи герпес стоматитни даволаш, эмал ҳамда илдиз шаклланишининг биокимёвий етуқлиги даврида оғиз бўшлиғи микрофлорасининг кариес ривожланишига таъсири асосланган. Болаликда герпес стоматит касаллигига таъсир қилувчи асосий омиллар ўрганилган [Вашингтон университети, АҚШ].

Жаҳонда ҳомиладор аёлларда герпес стоматит касалликларини башоратлаш қилиш, даволаш ва олдини олиш самарадорлигини ошириш бўйича бир қатор устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ҳомиладорлик даврида умумий герпетик стоматит касаллигига ва сўлак таркибига таъсир қилувчи ижтимоий ҳамда гигиеник омилларни аниқлаш, ҳомиладор аёлларда сўлак таркибининг биокимёвий ва микробиологик кўрсаткичларига комплекс ижобий таъсирни асослаш, оғиз суюқлиги кислоталилигининг ўзгариши, сўлак функциясига таъсир қилувчи омилларни камайтиришга қаратилган терапевтик ва профилактика чораларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: pubmed.ncbi.nlm.nih.gov, cyberleninka.ru, www.charite.de, www.ualberta.ca, www.ox.ac.uk, www.uvsq.fr, www.idipaz.es, www.uth.gr, www.uva.nl, www.unl.pt, www.english.ahmu.edu.cn, www.gbiomed.kuleuven.be, www.international.unimore.it, www.cu.edu.eg, www.qut.edu.au, www.sechenov.ru

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Ҳомиладорлик даврида она ва ҳомила организмлари ўртасида мураккаб жараёнлар содир бўлади ва бу она-йўлдош-ҳомиланинг ягона функционал тизимини шакллантиришга асосланади [Катрева И.П. 2018, Lee R, Nair M. 2017, Laura E Riley, 2024]. Биринчи уч ойлик охирида йўлдош ўзидан оқсил ва стероид табиатли кўп сонли гормонларни ишлаб чиқара бошлайди [Борисова Э.Г. 2018, Н.В. Леонтьева, 2022]. Ҳомиладорлик даврида гормонлар ишлаб чиқаришнинг кўпайиши, бошқа жараёнлар сингари, пародонт томондан кузатиладиган герпетик стоматит жағ тизимига таъсир қилади [Довжикова И.В, 2016, Wafaa Ali Belail Hammad, Justin C. Konje, 2021].

Ҳозирги вақтда жинсий йўл билан юқадиган инфекциялар таркибида герпес инфекциясининг учраш даражаси ошиб бормоқда. Репродуктив ёшдаги аёллар кўпинча herpes simplex вируси билан касалланади, бу ҳомилага бачадон ичидан вертикал юқиши сабабли янги туғилган чақалоклар инфекциясининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, herpes simplex вирусини турли акушерлик асоратларининг ривожланишига олиб келиши ва бачадон ичи мальформациялари хавфини ошириши аниқланган. Вирус инсон организмига шиллиқ пардалар ёки шикастланган тери орқали киради, бунда унинг бирламчи репликацияси эпидермис хужайраларида ва терининг ўзида содир бўлиб, турли аъзо ҳамда тизимларнинг зарарланишига олиб келади.

Вирусларнинг периферик сезги нервлари бўйлаб тарқалишини пуфакчаларнинг бирламчи теридаги ўзгариш жойидан узоқ масофада жойлашганлиги билан тушунтириш мумкин. Шу билан бирга, этиопатогенезнинг асосий таркибий қисмларининг ҳар бири бирламчи бўлиши мумкин бўлган ўзига хос патологик ҳалқа ҳосил бўлади. Герпетик стоматит тарқалишини вирус миқдорига (1 мл сўлакдаги ДНК занжирлари сони) боғлиқлиги касалликнинг давомийлигини ва даволаниш муддатини башоратлаш имконини беради [Trombetta CM, Viviani S, Montomoli E 2021].

Herpes вирусларининг 1 ва 2 серотиплари ўзида ДНК сақлайди ва Herpes viridae Alfa herpesvirinae оиласига киради. 1 тип герпес вируси (HSV 1) асосан уч шохли нервнинг сезувчи ганглияларида учрайди, оғиз бўшлиғи ва юзда яллиғланиш жараёнларини келтириб чиқаради. Ҳомиладорлик даврида ушбу тип энг хавфли ҳисобланиб ҳомиладор бўлмаган аёлларга нисбатан оғир асоратларни келтириб чиқаради. Хусусан, ўткир гингивостоматит билан касалланишлар сони ортади. Натижада, беморларда тери, ички аъзоларнинг шикастланиши (гепатит, энцефалит, менингит, тромбоцитопения, лейкопения ва коагулопатия) кузатилиши мумкин. Шиллиқ пардаларнинг бирламчи инфекцияси мавжуд сўнгги уч ойликдаги ҳомиладор аёлларда нафақат туғиш пайтида болага HSV юқиши, герпетик инфекциянинг кенг тарқалган шакллари ривожланиш хавфи ортади. Ҳомиладор аёлларда herpes вируси инфекциясини ташхислаш фақат тизимли кўринишларнинг мавжудлиги, маҳаллий белгиларнинг юзага чиқмаганлиги ёки клиник белгиларнинг йўқлиги сабабли мураккаблашади. Бундан ташқари, вирусни чиқарилиши

давомийлиги билан қайталаниш давлари орасида симптоматик боғлиқликлар мавжуд. HSV инфекциясини вирус аниқлангандан сўнг бевосита (пуфакча таркиби, бармоқ излари суртмаси, полимераза занжир реакцияси (ПЗР)) ёки унга махсус зардоб антикорларини таҳлил қилиш орқали аниқлаш мумкин. Маҳаллий воситалар билан монотерапия herpes симплекснинг кучайиши сонини оширади. Ҳозирги кунда герпетик стоматитни ташқи қўлланиладиган маҳаллий дори воситалари билан даволаш тўхтатилган ва умумтан олинган. [Kassa D, Gebremichael G, Tilahun T. 2019].

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат стоматология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида №01040025-сон “Ҳомиладор аёлларда оғиз бўшлиғи ва юз-жағ соҳаси касалликларининг олдини олиш, даволашнинг янги самарали усулларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қон ва сўлакнинг иммун, цитокин ҳамда микробларга қарши ҳолатини ўрганишга асосланган ҳолда ҳомиладор аёлларда герпетик стоматитни комплекс этиопатогенетик даволаш самарадорлигини баҳолаш ва даволашни мувофиқлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

герпетик стоматит мавжуд аёлларда ҳомиладорликнинг турли босқичларида ва даволаш давомида оғиз бўшлиғининг хусусиятларини ўрганиш ҳамда оғиз шиллик қавати касалликлари таркибида унинг тарқалиш даражасини аниқлаш;

физиологик ҳомиладорликнинг турли давларида аёлларда маҳаллий ва тизимли цитокин профилининг хусусиятларини, гуморал иммунитетни ҳамда оғиз суюқлиги пептидларининг микробларга қарши таъсирини таҳлил қилиш;

ҳомиладорликнинг турли давларида герпетик стоматит билан периферик қон ва сўлакдаги цитокинлар даражасидаги ўзгаришларни ўрганиш ҳамда даволашни таҳлил қилишда тақдим этилган кўрсаткичларнинг башоратлаш қийматини аниқлаш;

физиологик ҳомиладорликнинг турли давларида герпетик стоматит билан маҳаллий ва тизимли иммунитет кўрсаткичларини қиёсий баҳолаш;

герпетик стоматит аниқланган ҳомиладор аёлларда сўлак пептидларининг микробларга қарши таъсирини ўрганиш ва даволашни башорат қилишда тақдим этилган кўрсаткичнинг қийматини аниқлаш;

комплекс этиопатогенетик даволаш самарадорлигига оғиз бўшлиғи санацияси, касбий ва рационал гигиенанинг таъсирини баҳолаш;

герпетик стоматит аниқланган ҳомиладор аёлларда яллиғланишнинг клиник ва иммунологик белгилари йиғиндисига ҳомиладорликнинг турли давларида инфекция учун иммун йўналтирилган вирусга қарши даволаш дастурларининг самарадорлигини қиёсий таҳлил қилиш.

Тадқиқот объекти сифатида 18 ёшдан 45 ёшгача бўлган 176 нафар ҳомиладор аёллар, уларнинг 40 нафарини биринчи, 50 нафарини иккинчи, 86 нафарини учинчи триместрдаги ҳомиладорлар олинган.

Тадқиқот предмети сифатида стоматологик, биокимёвий ва микробиологик кўрсаткичларни аниқлаш мақсадида оғиз шиллик қаватидан, доимий тишлардан олинган оғиз бўшлиғи суюқлиги олинган.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида клиник, микробиологик, биокимёвий, инструментал ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк маротаба герпетик стоматит билан касалланган ҳомиладор аёлларда иммунитет реакциясининг хусусиятлари қиёсий таҳлил қилинган, тизимли ва маҳаллий цитокин таркиби, сўлак ҳамда қондаги гуморал иммунитет, микробларга қарши пептидларнинг кўрсаткичларини ҳар томонлама назорат қилиш амалга оширилган;

илк маротаба герпетик стоматит аниқланган ҳомиладор аёлларнинг қон зардобидида ва оғиз суюқлигида интерлейкин-1, 6, 8, 10, γ - гамма интерферон, α -ўсма некрози омили цитокинлари, гуморал иммунитет омиллари, микробларга қарши пептидлар таркиби динамикада баҳоланган ҳамда оғиз шиллик қавати иммунҳимоя тизимининг хусусиятлари аниқланган;

илк маротаба ҳомиладорликнинг турли даврларида уларда герпетик стоматит ривожланишининг патогенетик иммун механизмларини ўрганиш асосида иммун реакциясининг хусусиятлари аниқланган;

кенг қамровли тадқиқот асосида ҳомиладорликнинг даврларида вирусга қарши терапиянинг турли дастурлари даволаш стандартларига киритилган ва уларнинг касаллик кечиши, ҳомиладорлик ҳамда ҳомила патологиясини ривожлантиришдаги хавфи аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳомиладор аёлларни ҳомиладорликнинг турли даврларида герпетик стоматит билан клиник ва иммунологик текшириш алгоритми ишлаб чиқилган, бу уларда даволаш самарадорлигини оширган ҳамда ҳомиладорлик пайтида инфекция фаоллашувининг олдини олган;

ҳомиладор аёлларда герпетик стоматитни кенг қамровли этиопатогенетик даволаш амалга оширилган, бу қисқа вақт ичида маҳаллий ва умумий клиник белгиларни яхшилаш, эпителизация вақтини қисқартириш, умумий ҳамда маҳаллий иммунитет кўрсаткичларини тиклаш орқали уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларга зарурий клиник, биокимёвий, иммунофермент, асбобий ҳамда статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, ҳомиладор аёлларда герпетик стоматитнинг клиник - патогенетик жиҳатларини таҳлил қилиш, касалликни ташхислаш ва

даволашни муқобиллаштиришга қаратилган тадбирларни изоҳлашда ҳорижий ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса ҳамда олинган натижаларни ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ҳомиладор аёлларда герпетик стоматитнинг ривожланиши ва кечишида умумий патогенетик омиллар аниқланган. Олинган натижалар ҳомиладорларда қатор стоматологик ва метаболик бузилишлар, турли хил асоратларнинг олдини олиш йўллари ишлаб чиқишга имкон бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти соғлиқни сақлаш тизимида ҳомиладор аёлларда аниқланган клиник ҳамда биокимёвий белгилар ёрдамида герпетик стоматитни ташхислаш ва даволашнинг такомиллаштирилган комплекс усулини ишлаб чиқиш, касаллик авжланишини ҳамда асоратларини олдини олиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳомиладор аёлларда герпетик стоматитнинг ўзига хослиги: ташхислаш, даволаш ва олдини олиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: илк мартаба герпетик стоматит билан касалланган ҳомиладор аёлларда иммунитет реакциясининг хусусиятлари қиёсий таҳлил қилинган, тизимли ва маҳаллий цитокин таркиби, сўлак ҳамда қондаги гуморал иммунитет, микробларга қарши пептидларнинг кўрсаткичларини ҳар томонлама назорат қилиш амалга оширилганлиги бўйича таклифлар Тошкент давлат стоматология институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 9 августда 04-р/62-сон билан тасдиқланган «Ҳомиладор аёлларда эндотелиал дисфункцияни баҳолашда саливар кўрсаткичларининг диагностик аҳамияти» ва 9 августда 04-р/63-сон билан тасдиқланган «Метод прогнозирования индивидуального риска развития заболеваний сопр у беременных» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент шаҳар Учтепа тумани 9-сонли туғруқ комплексининг 15.09.2023 йилдаги 4-сон ҳамда «Басис-Мед» масулияти чекланган жамияти (клиник тиббий диагностика маркази) нинг 16.09.2023 йилдаги 1-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 20 июндаги хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* ҳомиладор аёлларда иммунитет реакциясининг хусусиятларини қиёсий таҳлил қилинган ҳолда, тизимли ва маҳаллий цитокинлар таркиби, сўлак ҳамда қондаги гуморал иммунитет, микробларга қарши пептидларнинг кўрсаткичларини ҳар томонлама назорат қилиш орқали герпетик стоматитни эрта аниқлаш, касалликни авжланишини ва асоратларни олдини олиш имконини берганлиги билан изоҳланган. *Иқтисодий самарадорлиги:* герпетик стоматит мавжуд ҳомиладор аёлларда маҳаллий ва тизимли иммунитетни эрта аниқлаш ва даволаш касалликни ривожланишини ва асоратланишини камайишига олиб

келган. Ўз вақтида олиб борилган ташхислаш ва даволаш ишлари ҳар бир бемор ҳисобига ўртача 2000000 сўм тежаш имконини берган. *Хулоса:* тадқиқот натижаларига кўра герпетик стоматит мавжуд беморларда тизимли ва маҳаллий цитокин таркиби, сўлак ҳамда қондаги гуморал иммунитет, микробларга қарши пептидларнинг кўрсаткичларини эрта аниқлаш касалликнинг авжланишини ва кузатилиши мумкин бўлган асоратланишини олдини олиш ҳамда даволаш учун кетадиган харажатларни камайтириш орқали ҳар бир бемор ҳисобига ўртача 2000000 сўм иқтисод қилиш имконини берган.

иккинчи илмий янгилик: илк мартаба герпетик стоматит аниқланган ҳомиладор аёлларнинг қон зардобиди ва оғиз суяқлигида интерлейкин-1, 6, 8, 10, γ - гамма интерферон, α -ўсма некрози омили цитокинлари, гуморал иммунитет омиллари, микробларга қарши пептидлар таркиби динамикада баҳоланган ҳамда оғиз шиллик қавати иммунҳимоя тизимнинг хусусиятлари баҳоланганлиги бўйича таклифлар Тошкент давлат стоматология институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 9 августда 04-р/62-сон билан тасдиқланган «Ҳомиладор аёлларда эндотелиал дисфункцияни баҳолашда саливар кўрсаткичларининг диагностик аҳамияти» ва 9 августда 04-р/63-сон билан тасдиқланган «Метод прогнозирования индивидуального риска развития заболеваний сопр у беременных» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент шаҳар Учтепа тумани 9-сонли туғруқ комплексининг 15.09.2023 йилдаги 4-сон ҳамда «Басис-Мед» масулияти чекланган жамияти (У клиник тиббий диагностика маркази) нинг 16.09.2023 йилдаги 1-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 20 июндаги хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* герпетик стоматит аниқланган ҳомиладор аёлларнинг қон зардобиди ва оғиз суяқлигида интерлейкин-1, 6, 8, 10, γ - гамма интерферон, α -ўсма некрози омили цитокинлари, гуморал иммунитет омиллари, микробларга қарши пептидлар таркибини динамикада баҳолаш, даволаш стратегиясини тўғри танлаш ва унинг самарадорлигини ошириш имконини берганлиги билан изоҳланган. *Иқтисодий самарадорлиги:* герпетик стоматит аниқланган ҳомиладор аёлларнинг қон зардобиди ва оғиз суяқлигида интерлейкин-1, 6, 8, 10, γ - гамма интерферон, α -ўсма некрози омили цитокинлари, гуморал иммунитет омиллари, микробларга қарши пептидлар таркибини динамикада баҳолаш ва унга асосланган ҳолда танланган ҳамда ўз вақтида олиб борилган самарали даво асосий касалликни авжланишини, асоратлар камайишини олдини олади. Ушбу усулни амалиётга қўллаш ҳомиладорларда текшириш ва ташхислаш учун сарфланадиган ортикча харажатларни 1260000 сўмгача камайтириш имконини берган. *Хулоса:* герпетик стоматит аниқланган ҳомиладор аёлларнинг қон зардобиди ва оғиз суяқлигида интерлейкин-1, 6, 8, 10, γ - гамма интерферон, α -ўсма некрози омили цитокинлари, гуморал иммунитет омиллари, микробларга қарши пептидлар таркибини динамикада

баҳолаш ҳамда оғиз шиллик қавати иммун ҳимоя тизимнинг хусусиятларини ўрганиш, ҳар бир бемор учун кетадиган ҳаражатларни 1260000 сўмгача камайтириш имконини берган.

учинчи илмий янгилик: илк маротаба ҳомиладорликнинг турли даврларида уларда герпетик стоматит ривожланишининг патогенетик иммун механизмларини ўрганиш асосида иммун реакциясининг хусусиятлари аниқланганлиги бўйича таклифлар Тошкент давлат стоматология институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 9 августда 04-р/62-сон билан тасдиқланган «Ҳомиладор аёлларда эндотелиал дисфункцияни баҳолашда саливар кўрсаткичларининг диагностик аҳамияти» ва 9 августда 04-р/63-сон билан тасдиқланган «Метод прогнозирования индивидуального риска развития заболеваний сопр у беременных» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент шаҳар Учтепа тумани 9-сонли туғруқ комплексининг 15.09.2023 йилдаги 4-сон ҳамда «Басис-Мед» масулияти чекланган жамияти (У клиник тиббий диагностика маркази) нинг 16.09.2023 йилдаги 1-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 20 июндаги хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* ҳомиладорликнинг турли даврларида ҳомиладор аёлларда герпетик стоматит ривожланишининг патогенетик иммун механизмларини ўрганиш асосида иммун реакциясининг хусусиятларини аниқлаш, асоратларни олдини олиш ва даволаш стратегиясини тўғри танлаш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* ҳомиладорликнинг турли даврларида ҳомиладор аёлларда герпетик стоматит ривожланишининг патогенетик иммун механизмларини ўрганиш асосида иммун реакциясининг хусусиятларини аниқлаш ва ўз вақтида олиб борилган самарали даво касалликни авжланишини, олдини олиш имконини беради. Бу ҳар бир ҳомиладор учун ўртача 1460000 сўм тежаш имконини берган. *Хулоса:* тадқиқот натижаларига кўра ҳомиладорликнинг турли даврларида ҳомиладор аёлларда герпетик стоматит ривожланишининг патогенетик иммун механизмларини ўрганиш асосида иммун реакциясининг хусусиятларини аниқлаш, асоратларни олдини олиш ва даволаш стратегиясини тўғри танлаш имконини беради ҳамда ҳаражатларни 1460000 сўмгача кайтириш орқали иқтисодий самара берган.

тўртинчи илмий янгилик: кенг қамровли тадқиқот асосида ҳомиладорликнинг даврларида вирусга қарши терапиянинг турли дастурлари даволаш стандартларига киритилган ва уларнинг касаллик кечиши, ҳомиладорлик ҳамда ҳомила патологиясини ривожлантиришдаги хавфи аниқланган бўйича таклифлар Тошкент давлат стоматология институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 9 августда 04-р/62-сон билан тасдиқланган «Ҳомиладор аёлларда эндотелиал дисфункцияни баҳолашда саливар кўрсаткичларининг диагностик аҳамияти» ва 9 августда 04-р/63-сон билан тасдиқланган «Метод прогнозирования индивидуального риска развития заболеваний сопр у беременных» номли услубий

тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент шаҳар Учтепа тумани 9-сонли туғруқ комплексининг 15.09.2023 йилдаги 4-сон ҳамда «Басис-Мед» масулияти чекланган жамияти (У клиник тиббий диагностика маркази) нинг 16.09.2023 йилдаги 1-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 20 июндаги хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* герпетик стоматит мавжуд аёлларда ҳомиладорликнинг турли даврларида вирусга қарши терапиянинг монанд дастурлари даволаш стандартларига киритилган ва уларнинг касаллик кечиши, ҳомиладорлик ҳамда ҳомила патологиясини ривожлантиришдаги хавфи аниқланган, аксинча даволаш муолажаларида қизилмия илдизидан фойдаланиш ҳомилада кузатиладиган асоратларни олдини олиш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* герпетик стоматит мавжуд аёлларда ҳомиладорликнинг турли даврларида даволаш муолажаларида вирусга қарши препаратлар ўрнига қизилмия илдизидан фойдаланиш ҳомилада кузатиладиган асоратларни олдини олишга имконини беради ва сарфланадиган ортикча сарф харажатларни тежаши имкон яратади. Бу бир бемор учун ўртача 750000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган. *Хулоса:* тадқиқот натижаларига кўра ҳомиладор аёлларда герпетик стоматитни даволашда вирусга қарши препаратлардан эмас, балки қизилмия илдизидан фойдаланиш ҳомилада патологиялар ривожланишининг олдини олади. Шунингдек, уларнинг шифокорларга мурожатлар сонини ҳамда даволаш учун кетадиган харажатларни камайтириш орқали бир бемор учун ўртача 750000 сўмни иқтисод қилишга шароит яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 республика, жами 7 та илмий-амалий анжуманларда эълон қилинган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 17 та илмий мақола, жумладан 12 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 180 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ҳамда вазифалари, объекти ва предметлари республика фан ҳамда технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мос келиши тавсифланган, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий адабиётлар шарҳи ва тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, уларнинг ишончлилиги, назарий ҳамда амалий аҳамияти,

тадқиқот натижаларини жорий қилиниши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ҳомиладор аёлларда герпетик стоматит кечишининг этиопатогенетик ва клиник хусусиятлари”** деб номланган биринчи бобида ҳорижий ва маҳаллий адабиётларнинг таҳлили баён қилинган. Ушбу бобда герпетик стоматитнинг тарқалиши, шакллари ҳамда белгилари тўғрисида замонавий қарашлар, ушбу йўналишда тўлиқ ечимга эга бўлмаган, изчил изланишни талаб этувчи муаммолар мажмуаси аниқланган, ишнинг долзарблиги ва танланган мавзунини ўрганиш муҳимлиги асосланган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот материаллари ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида беморларни тадқиқотга жалб қилиш мезонлари ва уларнинг хусусиятлари келтирилган. Илмий ишда 21-35 ёш оралиғида бўлган 176 нафар герпесвирус инфекцияси аниқланган ҳомиладор аёллар асосий гуруҳга ва 60 нафар инфекция аниқланмаганлар назорат гуруҳига жалб қилинган. Уларнинг ўртача ёши $25,7 \pm 0,9$ йилга тенг бўлди. Ўтказилган клиник стоматологик текширув усуллариининг субъектив мезонлари тавсифланган. Herpes simplex вирусини аниқлаш учун ПЦР диагностикаси усулидан фойдаланилган. Оғиз суюқлиги барча ҳомиладорларда ҳомиладорликнинг барча даврларида (1- (8-12 ҳафта), 2-(16-24 ҳафта) ва 3-уч ойликларида (27-38 ҳафта) Н.А.Терёхин ва Ю.А. Петрович усулида тўпланди.

Клиник текширувдан сўнг ҳар бир ҳомиладор аёл учун нафақат маҳаллий ҳолатни, балки даволаниш хусусиятини ва герпетик стоматитнинг давомийлигини ҳисобга олган ҳолда яқка тартибда даволаш режаси тузилди. Уларга шахсий гигиена кўникмаларини ўргатилди ва 2-3 кунлик оралиқ билан 4 марта ташрифлар қилинди. Оғиз гигиенаси динамикада даволашнинг 2, 7, 14 кундан кейин амалга оширилди.

Тишлар тозаллигини назорат қилишда чайиш учун фукцин ёки эритрозин эритмаси ишлатилди. Биз ҳомиладор аёлнинг оғиз бўшлиғини парвариш қилишда қачон ва қунига неча марта тишларни ювиши, қайси тиш пастасидан фойдаланиши, уларни қанчалик тез-тез ўзгартириши каби гигиена кўникмаларига эътибор қаратдик.

Уларга “тишларни тозалашнинг стандарт методлари” тавсия қилинди (Пахомов Р.И., 1982). Оғиз бўшлиғини гигиеник парвариш қилиш бўйича касалликнинг авж олиш босқичида ишчи қисмининг ўлчами 25 мм дан ошмайдиган юмшоқ, ремиссия даврида ўрта қаттиқликдаги ёки қаттиқ ва даволовчи тиш чўткаларидан «Пародонтол», «Sensodyne», «Blend a med» (Compled), «Colgate» (Total), «Lacalut» (Aktiv) фойдаланиш тавсия этилди. Даволаш муолажалари орасидаги даврда эришилган самарани мустаҳкамлаш учун биз кўшимча оғиз гигиенаси воситаларидан фойдаланишни тавсия қилдик: оғиз ювиш воситалари, ирригаторлар, тиш тозаловчи иплар, чўткалар, тишлараро стимуляторлар ва сақичлар. Шундан сўнг, юмшоқ ва қаттиқ тиш чўкиндиларини олиб ташлашни ўз ичига олган профессионал гигиенани амалга оширдик. Тишлардаги чўкиндиларни олиб ташлаш ўтказувчан

анестезия ёрдамида беморларнинг 2 ёки 4 ташриф буюришда амалга оширилиди. Дастлаб тишлардаги чўкиндилар ултратовуш ёрдамида олиб ташланди, сўнг қаттиқ моддани турли хил илдиз юзаларидан олиб ташлаш учун биринчи ўлчамдаги куретлар ишлатилди, сўнг қуйидаги тиш пасталар («Detartrine» (Septodont), «Protekt» (Butler)) ёрдамида тиш ва пломба юзаларини силлиқланди.

Ўткир яллиғланиш жараёнлари бартараф этилгандан сўнг, ҳомиладор аёллар 2 гуруҳга бўлинди:

назорат гуруҳи 30 нафар ҳомиладор аёллардан иборат бўлиб, уларга ремиссияга эришиш учун шахсий ва касбий қоидалари анъанавий даволаш усуллари қўлланилди;

асосий гуруҳ 76 нафар ремиссияга эришиш учун қўшимча дори-дармонларни олган ҳомиладор аёллардан иборат эди.

Асосий гуруҳ ўз навбатида 2 та кичик гуруҳга бўлинди:

биринчи асосий кичик гуруҳга (n=30) шахсий ва касбий гигиена, анъанавий даволаш усулларида ташқари, фаргалс қўлланган аёллар киритилди;

иккинчи асосий кичик гуруҳ (n=30) анъанавий даволаш усули, шахсий ва касбий гигиена усулларида ташқари, фаргалс билан қизилмия буюрилган аёллардан иборат бўлди. Бу тўқима плазминоген фаоллаштирувчиси ҳамда плазминоген фаоллаштирувчиси ингибиторининг пасайишига олиб келиб регенерация жараёнини кучайтирди ва оғиз шиллиқ қаватидаги деструктив жараёнларни камайтирди.

Стандарт даво давомийлиги 10 кундан иборат бўлди.

Олинган натижаларни статистик қайта ишлаш вариацион статистика усули билан амалга оширилди. Фарқларнинг ишончлилиги Стьюдент критерияси ёрдамида 95% ишонч интервали ($p < 0,05$) доирасида баҳоланди.

Диссертациянинг **“Ҳомиладор аёлларнинг герпетик стоматит билан касалланиш кўрсаткичлари”** деб номланган учинчи боби герпетик стоматитли ҳомиладор аёлларда клиник кўринишларни таҳлил қилиш, даволанишдан олдин вирус аниқланганларнинг субъектив ҳолатини баҳолашдан иборат бўлди.

Ўтказилган тадқиқот натижасига кўра барча ёш гуруҳларидаги ҳомиладор аёлларда герпетик стоматит (ГС) нинг учраш даражаси $12,65 \pm 4,16\%$ ни ташкил этиб, бу ҳомиладор бўлмаганларда вируснинг учраш ($4,89 \pm 0,4\%$) даражасидан 2,62 мартаба юқори ($P < 0,01$) бўлди.

Ҳомиладорлик даврининг ГС билан касалланишнинг юқори даражаси II уч ойликда $18,02 \pm 2,28\%$, энг кам учраш даражаси I уч ойликда аниқланди $8,21 \pm 1,68\%$, III уч ойликда бу кўрсаткич $12,11 \pm 1,92\%$ га тенг бўлди.

Ҳомиладорлик сонининг ГС учраш даражасига таъсирини аниқлаш учун биринчи ва иккинчи ҳомиладор аёлларда таҳлил қилинди. Биринчи ҳомиладорликда ГС частотаси ҳомиладор бўлмаганларгага нисбатан 2,04 ва такрорий-ҳомиладорда 3,24 мартаба юқори эканлиги аниқланди. Шу билан

бирга, такрорий ҳомиладорликда ГС билан касалланиш даражаси юқори бўлди.

Қайта ҳомиладор аёлларда ГС частотаси $15,85 \pm 1,80\%$ ни ташкил қилди, бу биринчи ҳомиладорликдан - $10,00 \pm 1,45\%$ ($P < 0,05$) ишончли даражада юқори эканлиги қайд этилди. Шу билан бирга, такрорий ҳомиладорликда ГС ривожланиш даражаси биринчи ҳомиладорликдан биринчи уч ойлигида 2,27, II уч ойлигида - 1,43 ва III уч ойлигида - 1,51 марта юқори бўлди.

Ҳомиладор аёлларда герпетик стоматитнинг учраш даражасига ёшнинг таъсири аниқланмади. Барча ўрганилган биринчи ҳомиладорликдаги аёлларда ГС учраши ҳомиладор бўлмаганларга нисбатан 65,02-88,42% юқори бўлди. Унинг такрорий ҳомиладор аёлларда тарқалиши эса 147,96-243,73% юқорини ташкил қилди. Ўтказилган сўровнома натижалари ҳомиладорлик сонининг нафақат касалликнинг учраш даражасига, балки ГС нинг қайталанишига ҳам таъсирини кўрсатди (1-жадвал).

Кузатувдаги ҳомиладор бўлмаган аёллар орасида ГС билан биринчи марта касалланиш 2,57% га тенг бўлди. Биринчи ҳомиладорлик даврида ГС ни ҳомиладорлик билан боғлайдиган аёллар сони 55,81% ни ташкил қилди ва иккинчи марта ҳомиладор аёллар орасида вирус ривожланиш ҳомиладорлик билан боғлиқ бўлди. Тадқиқотга жалб қилинган аёлларда биринчи ҳомиладорлик давомида 61,54% ва такрорий ҳомиладорлик пайтида 23,08% да ГС аниқланди.

1-жадвал

Ҳомиладорликнинг герпетик стоматит касаллигига ва унинг такрорланишига таъсири


Ташхис	Уч ойлик	Жами сўралганлар	Биринчи марта касалланганлар	Биринчи марта ҳомиладорлик пайтида касал бўлганлар.		Герпетик стоматит қайталаниши.	
				1	2	I уч ойликда касалланганлар	II уч ойликда касалланганлар
Ҳомиладор бўлмаган		28	8				
		100,0	28,54				
Биринчи ҳомиладор	1	7		3			
		100,0		42,84			
	2	22		13		11	
		100,0		59,91		54,51	
	3	14		8			10
		100,0		57,14			71,42
Жами	43		24		11	10	
	100,0		55,81		54,51	71,42	
Такрорий ҳомиладорлар	1	15		6	4		
		100,0		40,00	26,67		
	2	29		19	7	20	
		100,0		65,52	24,14	68,97	
	3	21		15	4		18
		100,0		71,43	19,05		85,71
Жами	65		40	15	20	18	
	100,0		61,54	23,08	68,97	85,71	

Изоҳ: суратда беморларнинг мутлақ сони, махражда герпетик стоматит билан оғриган беморларнинг фоизи (%)

Шундай қилиб, биринчи ҳомиладорлик пайтида ГС мавжудлиги кейинги ҳомиладорлик пайтида унинг намоён бўлиш хавфини бир неча бор оширади. Ҳомиладор аёлларда ГС касаллиги хавфи ҳомиладор бўлмаганларга нисбатан 1,96 мартаба ва қайта ҳомиладор аёлларда 2,96 мартаба юқори бўлди.

Ҳомиладор аёлларда ГС нинг клиник хусусиятларини таҳлил қилиш уларда ўртача ва оғир герпетик стоматит билан касалланиш даражаси юқори, ҳомиладор бўлмаганларда эса енгил эканлигини аниқлашга имкон берди (1-расм).

Шундай қилиб, ўртача оғирликдаги ГС ҳомиладор аёлларда $41,8 \pm 4,81\%$ ва ҳомиладор бўлмаган аёлларда $25,0 \pm 8,18\%$ ($p < 0,05$), оғир ГС эса мос равишда $3,6 \pm 0,51\%$, $4,64 \pm 3,50\%$ ва $9,2 \pm 3,50\%$ учрайди. Шу билан бирга, ҳомиладор бўлмаган аёлларнинг $71,43\%$ ва ҳомиладор аёлларнинг $53,5\%$, $33,9\%$ ($p < 0,05$) да ГС нинг енгил даражаси аниқланди.



Изоҳ: * ҳомиладор бўлмаганларга нисбатан фарқлар ишончлилиги- $p < 0,05$.

1-расм. Ҳомиладор аёлларда герпетик стоматитнинг клиник кўринишлари.

Туғишлар сонининг кўпайиши билан ГС нинг оғир шакллари учраш даражаси ошади. Шундай қилиб, биринчи марта ҳомиладор бўлган аёлларда оғир ГС учраши $4,64 \pm 3,2\%$ ни, қайта ҳомиладор бўлганларда $9,23 \pm 3,59\%$ ташкил ($p < 0,05$) қилади. ГС нинг ўртача даражаси мос равишда $41,86 \pm 7,52\%$ ва $56,22 \pm 6,61\%$ ($P > 0,05$) ва енгил даражаси мос равишда $53,49 \pm 7,6\%$ ва $33,85 \pm 5,87\%$ ($P < 0,05$) га тенг бўлди.

Демак, ҳомиладорлик сонидан қатъий назар, ҳомиладорларда ҳомиладор бўлмаганларга нисбатан ГС нинг ўртача ва оғир шакллари юқори, такрорий ҳомиладорликда эса биринчи ҳомиладор аёлларга қараганда кўп учрайди.

Ҳомиладорликнинг ойликларига қараб ГС кўринишларининг клиник шакллари таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ўртача ва оғир ГС нинг юқори учраш даражаси иккинчи уч ойликда мос равишда $0,91 \pm 6,12\%$ ва $75,0 \pm 15,31\%$ ни ташкил этди. Иккинчи уч ойликда оғир ва ўртача ГС нинг юқори пайдо бўлиш тенденцияси биринчи ҳамда иккинчи ҳомиладорликда тенг равишда

кузатилади. Иккинчи уч ойликда оғир ва ўртача ГС пайдо бўлишини ошириш ёки ошириш тенденцияси биринчи ҳамда иккинчи ҳомиладорликда тенг даражада тез-тез кузатилади.

Шундай қилиб, ҳомиладорлик касалланишнинг ўсишига, оғир клиник шакллари ва ГС нинг қайталаниш даражасига сезиларли салбий таъсир кўрсатади. Ушбу ўзгаришларнинг кучайиши ҳомиладорликлар сони билан ошиб боради. Энг юқори клиник кўринишлар ҳомиладорликнинг иккинчи иккинчи уч ойлигида содир бўлади.

Диссертациянинг тўртинчи боби **“Ҳомиладор аёлларни герпетик стоматит билан текширишнинг полимераза занжир ва микробиологик усули натижалари”**га бағишланган.

Текширишнинг бактериологик усули ёрдамида назорат гуруҳининг оғиз суяқлигида соғлом оғиз бўшлиғининг чидамли флорасига тегишли микроорганизмлар аниқланди. Бу стрептококклар (*Str.salivarius*, *Str.sanguis*) ва лактобактерияларнинг мавжудлиги фенотипда ҳал қилувчи аҳамиятга эга, бундай сенотип Д. Дансо таърифи бўйича физиологик ҳолат деб қаралиб, нормоценознинг биринчи қатори ҳисобланади. *Str.mitis* нинг микробиоценозда пайдо бўлиши ёки асосий кўрсаткичларга нисбатан нисбатининг ўзгариши нормоценознинг иккинчи қатори, соғлом одамлар генотипида патоген ёки шартли патоген *Str.mutans* ва *Candida* замбуруғларининг бўлиши нормоценоз учинчи қатори бўлиб ҳисобланади.

Назорат гуруҳи микрофлорасининг хилма-хиллиги оғиз бўшлиғининг микроэкологик ҳолатини 1, 2 ва 3-қаторларнинг нормоценози сифатида кўриб чиқишга имкон берди.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳомиладорликнинг биринчи уч ойлигида, ҳатто клиник жиҳатдан соғлом периодонтитли аёлларда ҳам оғиз бўшлиғи микроэкологиясининг бузилиши қайд этилган, буни лактобактериялар, *Str.salivarius*, *Str. Mitis* нинг камайиши, патоген ва шартли патоген бактериялар *Str.mutans*нинг миқдори ошиши ҳам тасдиқлаган. Шунингдек, ҳомиладорлик давомийлигининг ошиши билан дисбиёттик ўзгаришлар ҳам кучайиб борган.

Шундай қилиб, ҳомиладорликнинг биринчи уч ойлигида лактобактериялар концентрациясининг меъёрга нисбатан пасайиши 6,78% ни ($p > 0,05$); иккинчи уч ойликда - 11,02% ($p > 0,05$) ва учинчи уч ойликда - 15,25% ($p < 0,05$) га тенг бўлди. Туғруқдан кейинги даврда *streptococcus* саливариус ҳамда сангуснинг тегишли динамикаси мос равишда 5,96% ($p > 0,05$) га 1,02% ($p > 0,05$), 10,10% ($p > 0,05$) га 7,65% ($p > 0,05$), 14,0% ($p > 0,05$) га 12,21% ($p < 0,05$) ва 11,01% ($p > 0,05$) га 5,36% ($p < 0,05$) ни ташкил этди.

Шунингдек, ҳомиладор аёлларнинг оғиз суяқлигида *Str.mitis*, 2-тартибдаги нормоценоз бактериялари (*Str.mutan*лар, *Candida* замбуруғлари, стафилококклар), шартли патоген ва патоген турларни тавсифловчи 3-тартибдаги нормоценоз *proteus* ҳамда *escherichia* аста-секин ўсиб бориши дисбиоз сифатида қабул қилинди.

Шундай қилиб, назорат гуруҳдаги ҳомиладор аёлларда стрептококк митисининг миқдори ҳомиладорлик даврида 3,0% ($p>0,05$), 7,3% ($p>0,05$) ва 12,02% ($p>0,05$), қолган 3,4% ($p>0,05$) назорат қийматларидан юқори ва эрта туғруқдан кейинги даврда streptococcus mutans тегишли динамикаси мос равишда 4,98% ($p>0,05$), 15,38% ($p<0,05$); 32,13% ($p<0,05$) ва 16,30% ($p<0,05$) га тенг бўлди. Staphylococcus epidermidis ва Candida замбуруғларининг опортунитик типлари ўсиши мос равишда: Staphylococcus epidermidis - 2,21% ($P>0,05$), 7,18% ($P>0,05$), 11,87% ($P>0,05$) ва 4,98% ($P>0,05$), Candida замбуруғлари: 6,62% ($P>0,05$), 7,22% ($P>0,05$), 21,08% ($P<0,05$) ва 9,64% ($P>0,05$) ни ташкил этган.

2-жадвал

Соғлом пародонтит ва гингивитли аёлларда ҳомиладорликнинг турли даврларида оғиз суяқлигининг микрофлораси

Микроорганизмлар гуруҳи	Ҳомиладор бўлмаган	Ҳомиладор, уч ойлик			Туғилгандан кейин
		I	II	III	
Герпетик стоматитсиз ҳомиладор аёллар					
Лактобактериялар	2,36±0,11	2,20±0,06	2,10±0,10	2,00±0,07*	2,12±0,09
Стрепт.саливариус	4,36±0,15	4,10±0,12	3,92±0,14	3,78±0,16*	3,88±0,13
Стрепт.сангиус	3,92±0,17	3,88±0,17	3,62±0,12	3,44±0,15*	3,71±0,15
Стрепт.мутанс	2,21±0,08	2,32±0,10	2,55±0,11	2,92±0,13*	2,57±0,12
Стрепт.митис	2,33±0,11	2,40±0,11	2,50±0,08	2,61±0,12	2,41±0,10
Стаф.эпидермалис	3,62±0,13	3,70±0,14	3,88±0,15	4,05±0,15	3,80±0,17
Тилларанг стафилокок	0,0	0,12±0,04	0,22±0,01	0,41±0,02*	0,26±0,01
Эшерихиялар	0,0	0,11±0,05	0,25±0,01	0,32±0,01*	0,20±0,005
Протей	0,0	0,22±0,01	0,32±0,008	0,40±0,01*	0,30±0,01
Кандида замбуруғлари	1,62±0,07	1,77±0,08	1,80±0,06	2,01±0,06*	1,82±0,07
Герпетик стоматит билан ҳомиладор аёллар					
Лактобактериялар	2,16±0,09	2,02±0,07*	1,92±0,06* ^χ	1,77±0,07* ^{χ,^}	2,05±0,06*
Стрепт.саливариус	4,22±0,20	3,00±0,13*	3,81±0,14* ^χ	3,62±0,12* ^χ	3,83±0,12*
Стрепт.сангиус	3,81±0,16	3,68±0,11*	3,54±0,16* ^χ	3,21±0,11* ^χ	3,59±0,13*
Стрепт.мутанс	2,42±0,09	2,50±0,08*	2,62±0,11* ^χ	0,81±0,07* ^χ	2,54±0,08*
Стрепт.митис	2,83±0,13	2,99±0,14*	3,11±0,14*	3,30±0,13* ^χ	3,12±0,14*
Стаф.эпидермалис	3,88±0,18	3,90±0,16*	4,11±0,18*	4,16±0,17* ^χ	3,96±0,17*
Тилларанг стафилокок	0,25±0,11	0,62±0,02*	0,81±0,02* ^χ	1,12±0,05* ^{χ,^}	0,68±0,03*
Эшерихиялар	0,62±0,02	0,17±0,005*	0,44±0,01* ^χ	0,58±0,01* ^{χ,^}	0,39±0,01* ^χ
Протей	0,33±0,01	0,48±0,02*	0,51±0,02* ^χ	0,68±0,02* ^χ	0,52±0,02* ^χ
Кандида замбуруғлари	2,13±0,08*	2,33±0,10*	2,42±0,11*	2,68±0,11* ^{χ,^}	2,44±0,11*

Изоҳ: * - $p < 0,05$ назорат гуруҳига нисбатан; χ - $P < 0,05$ ҳомиладор бўлмаганларга нисбатан; ° - $P < 0,05$ биринчи уч ойликга нисбатан; ^ - $P < 0,05$ иккинчи уч ойликга нисбатан; *- $P < 0,05$ учинчи уч ойликга нисбатан.

Ҳомиладор аёлларнинг оғиз суяқлигида ушбу биотоп учун ғайриоддий микроорганизмларнинг турлари пайдо бўлади. Staphylococcus aureus биринчи уч ойликда ($0,12 \pm 0,004$ КОЕ /мл, назорат бўлмаганда); иккинчи уч ойликда

